

ИНТОҚ САНЪАТИ

Тоҷихон Собитова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

АННОТАЦИЯ

"Сўзлатиш", "гапиртириш" маъносидаги интоқ санъати бадиий асарда ҳайвонлар ёки жонсиз нарсаларни одамларга ўхшатиб сўзлатишни назарда тутди. Буюк шоир Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонида кўп қўлланилган санъатлардан бири интоқ санъатидир. Албатта, Навоий ундан фақат "Лисон ут-тайр" достонидагина эмас, балки эпик асар "Хамса"да ҳам, "Ҳазојинул-мақоний" куллиётига кирган лирик ғазалларда ҳам мазкур поетик санъатдан фойдаланган. Бунинг муваффақиятли намуналари еса "Лисон ут-тайр" достонида тиниқ-равшан тарзда кўринади

Калит сўзлар: товус, бургут, интоқ, санъат, ғурур, шахс, халқ, жаҳон, ғурур, лирика.

ABSTRACT

The art of intoq in the meaning of "to dive", "to speak", in the artistic work refers to the expression of animals or inanimate objects by analogy with people. One of the most widely used stylistic devices in the epic "Lison ut-tayr" by the great poet Alisher Navoi is the device of Intoq. In fact, Navoi used this poetic art not only in the epic "Lison ut-tayr", but also in the epic "Khamsa" and in the lyrical ghazals included in the collection "Khazojinul-maqoniy". Successful examples of this can be seen in the epic "Lison ut-tajr"

Keywords: Peacock, Eagle, revenge, art, pride, person, people, world, Pride, lyrics.

КИРИШ

Шарқ адабиётида жонсиз предметларга жон ато қилиш уларни гапиртириш, нутқ бериш каби хусусиятлар интоқ санъати дейилади. Бу санъат Алишер Навоийнинг бошқа асарларига нисбатан «Лисонут-тайр» достонида маълум даражада моҳирона қўлланилган. Таъбир жоиз бўлса, мазкур санъат дoston учун характерли ҳамда ўз хусусиятлари билан бошқа поетик воситалардан ажралиб туради.

Жамият ва табиат ҳодисаларини тушунтиришда, борлиққа нисбатан фалсафий дунёқарашини акс эттиришда Навоий қушлар образини фикрини аллегорик тарзда изҳор этишга йўналтиради. Асарда учровчи 16 қуш одам тимсолида сўзлайди, мунозара қилади, мушоҳадаларини ўзаро ўртоқлашади. Достондаги қушларнинг ҳар бири ўз характери, ҳатта-ҳаракати, мунозара нутқи ҳамда лексикасидаги сўзларнинг ранг-баранглиги, турли шаклларда ишлатилиши билан фарқланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Алишер Навоий достонда кўпроқ худхуд қуши орқали интоқ санъатидан моҳирона фойдаланган. Худхуд нутқининг лексик таркибига назар ташласак, классик дидактика, яъни унда панд-насихат, ўғит, бошлиқ, йўлбошчиларга ҳос хусусиятлар яққол сезилади. Худхуд нутқида бошқа қушлардан фарқли ўларок, ўзбек тилининг лексик имкониятлари санъаткорона қўлланилинган ва алоҳида ажратиб кўрсатилган

*Деди: К-эй гофил гуруҳи беҳабар,
Ҳолингиз гафлат аро зеру забар.
Сизга шоҳе бор бешибҳу мисол,
Васфини айтурда юз минг нутқи лол
Барча олам қушларига шоҳ ул,
Ҳолингиз надин му бому огоҳ ул.*

*Ул ёқин сизгаю сиз ондин йироқ,
Васл анга ойин, вале бизга фироқ.
Ҳар париди юз туман ранги ажиб,
Лек ҳар рангида юз нақши гариб*

Достондаги «Қушлар шоҳ тилаб топмогондин мутахаййир бўлгонда, худхуд симурғдин хабар дегони» эпизодида келтирилган бу мисраларла худхуднинг санъаткорона нотиклиги, тарғиботчилиги аниқ намоён бўлган. Худхуд нутқида панд-насихат, буйруқ ва маслаҳат элементлари ҳам оз эмас. Бу «Худхуднинг тўтини муҳотиб қилиб, мақсад қасдига тарғиб қилгони» бобида исботини топган:

*Сайрагил, эй Тўтийи ширин калом,
Нутқи таширфи била олий мақом.*

*Хилъати ахзар била жуёи шах,
 Йўл озиққонларга бўлгил хиёри раҳ.
 Аввал ўз мандилгаҳингни ёд қил.
 Кўнглунг ул уммид бирла шод қил.
 Ким ватан зотингга Ҳиндистон эди
 Шоҳ ҳарамиди саро бўстон эди.
 Ҳам мақомат шаққаристони висол.
 Ул шаққарин нўш этиб айлаб мақол
 Шоҳ илки маскану манзилгоҳинг,
 Ҳар такаллум ҳолатидин онча ҳинг
 Кел бу гурботдин раҳм оғоз қил,
 Ул чаман сори яна парвоз қил.*

Келтирилган мисолларда «сайрагил», «бўлгил», «кел», «ороз қил», «парвоз қил», «ёд қил», «шод қил» кабилар панднасихат, буйруқ ва маслаҳатни англатувчи сўзлар ва сўз бирикмаларидир. Бошлиқларга ҳос насихат бериш, буюриш ва маслаҳат маъносидаги сўзлар ва сўз бирикмаларини худхуднинг бошқа қушлар билан бўлган савол-жавоб ва мунозараларида кузатиш мумкин. Худхуд нутқи шундай заргарона ишланганки, унда ҳар бир қушнинг фазили, ўзига хослиги, характери, дунёқараши, олам ва одамлараро мавқеи очиб берилган.

Алишер Навоий тўти нутқи орқали донишмандлик хусусиятларини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларини ҳам фаол қўллайди. Унинг «Тўти узри» эпизодига эътибор берайлик:

*Тўти аввал узрин оғоз айлади,
 Буйла ажз ойинини соз айлади
 Ким, қушдурмен маконим гарм сайр
 Ҳинд ақсосида қилгон сайри тайр.
 Эл аро шуҳрат фасохатдин тутуб,
 Нуқта бирла гамлиг элни овутиб
 Комронлар манзилим айлаб қафас
 Ҳар малоҳат етса айлаб ҳамнафас
 Нозанинлар илкидин олиб хўриш
 Ҳинду шаққар бирла топиб парвариш.*

Тўти нутқидаги «фасоҳат», «нукта», «нозанин» каби сўзлар, унинг ширинсуханлигини кўрсатиб берадиган белгилар ҳисобланади. Нутқида доимо мамнунлик аломати ҳам балқиб туради:

Кўрмайин умрумда жуз коми нишот

Элга нутқумдин етиб юз инбисот

Шоир товус тимсолини пеш қилиб ташқи кўринишидан мағрурланган, ҳуснига маҳлиё, мақтанчоқ, баландпарвоз оҳангда эзмаланиб гапирувчи кишиларни фош этган:

Мен қушемен қасругулишон зийнати

Нақшу рангим аҳли олам ҳайрати

Суръатим гулианга оройиш дурур

Ҳайъбатим кўрганга осойиш дурур

Бог аро мендин хазонда бўстон

Бешада мендин қиш ичра гулистон

Тангри бермиш ҳусну зеболиг манга

Ҳаддин ортиг зебу раънолиг манга

«Товус узри» эпизодидаги мисолларга разм солсак, унинг нутқида ҳаддан ташқари кўп баландпарвоз сўзлар ва сўз бирикмалари ишлатилганлигига амин бўламиз. (Воқеан, «гулиан зийнати», «олам ҳайрати», «зеболиг», «ранолиг» кабилар.) Товус нутқида ўзини ўзи мақташ ҳусусияти жуда ҳаддан ошириб юборилган. Натижада бир хил сўзлар қайта-қайта қўлланавериш таъкид устига таъкидни билдирган байтлар мавжуд. «Товус узри» эпизоди жами 11 байтдан иборат, унда «мен» биринчи шахс кишилиқ олмоши «мен», «қушемен» тарзига алоҳида ва биргина ҳолда кўп марта такрорланган. Яна «мен»ни, яъни товусни ифодалаб келувчи - им, -ум эгалик кўшимчалари ҳам «рангум», «ҳусним» кабилардек кўп ўринларда қайта-қайта такрорланган. Бу ҳусусиятлар унинг нутқидаги алоҳидалиқни ташкил этади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Алишер Навоий булбул нутқи орқали инсоний муносабатни улуғлайди. Булбул нутқи - ошиқнинг тонгда роз айтишини, висол лаҳзасини қумсашини, сахар чоғида дарду аламга асир тушишини ифодалайди. Нутқидаги сўзлар ва сўз бирикмалар ҳам табиий йўсинда ошиқнинг муносабати, қалб тўлғанишларга мос ҳолда ишлатилган.

Ондин ойру ошику девонамен,
 Ақлу уушу сабридин бегонамен,
 Онензин йўқ сабр ила тоқат манга,
 Қойда, ёро, чаккали фирқат манга
 Токи гул бўстонида бўлгай жилнасоз.
 Мине наво бирла қилурмен шарҳироз.
 Ниқида ҳар лаҳза афлун шиддатим
 Хуснига ҳар лаҳза ортиб ҳайратим
 Богдин ул кетгач ўлдум гунгу пол
 Елга тенгру йўқ тароннумга мажол
 Ҳам онинг ёди била бог ичрамен
 Ул дурур қўнглумда ҳам, жонимда ҳам.
 Кўзда ҳам, пайдову пинҳонимда ҳам.
 Шоҳга комил таважжухду р равиш
 Бўйла ошиққа қачон бўлгай ул иш,

«Қумри узри» эпизодида Қумри образи роҳат-фароғатталаб, фақат кайф-сафо, сайрибоғ учун туғилган, на совуққа на иссиққа чидайдиган, кайғу-ю қашшоқлик кўрмаган киши ҳаётини тасвирлашга қаратилган. Қумри нутқининг лексикони интоқ санъати қоришиб келганки, умрни бефойда ўтказиш ғафлат ва ғофиллик каби тушунчалар бўртиб акс этади:

Деди Қумриким: - Аё фархундарой,
 Ғафлатугумроҳларга раҳнамой.

Мен қушедурмен чамандин чиқмагон,
 Дашту водий сайридин ториқмагон.
 Заъфу ожизлик шиар ўлгон манга,
 Шоҳу барг ичра қарор ўлгон манга
 Не совуғ кўрган жаҳонда, не исиг.
 Не ирик бошимга келган не қотиғ
 Богдин бог ичра кўргузган сафар

Шохлардин барг аро қилгон мафар
 Бўйла йўл ранжин чеккалгайму мен.
 Қуйдум эрса бумашаққат жонима,
 Куч била кирмакдурур ўз қонима.

Нутқда айтилган «чаман», «сайр», «шоҳ», «барг», «боғ» ҳамда «ранж», «машаққат», «оғизлик» каби сўзлар, унинг дунёқарашини шундай кўз ўнгингизда гавдалантиради.

Классик поэзияда кабутар образи инсонга содиқ дўст, беозорлик, инсоннинг меҳр-муруввати, яхшилик осойишталик каби тушунчаларни ўзида мужассамлаштирган инсон тимсолидир.

Алишер Навоий «Лисону-т-тайр» да кабутар образини интоқ санъати пародоксида кўрсатар экан, бу анъананинг бошловчиси ва давомчиси сифатида унга янги фазилятлар қўшади. Достонда кабутарни улуснинг бойлигидан бахраманд, маскани ва кошонаси, сув ила дони ҳамиша тайёр, эрки элнинг қўлидалигини кучайтириб тасвирлайди:

*Сўнгра шарҳ этти Кабутар арзи ҳол,
К-эй ҳидоят фаннида соҳиб камол.*

*Барча қушлар ичра ҳаййу ло ямут,
Манга қисм этмиш улус илкида қут.
Эл ясаб маскан мага кошона ҳам,
Келтируб оллимга суву дона ҳам.
Даҳр аро эл бандининг маҳбуси мен,
Бусабаб бирла олар маънуси мен.
Тенгри бу ҳолат насиб этмиш манга
Хони қисматдин буиш етмиш манга
Ҳақ насиб эткондин этмак ижтиноб
Ақл қонунда бўлгайму ҳисоб.
Шукр айлаб қисмат этконга илоҳ
Чекмасам авло бу ранжи умргоҳ.*

Асардаги «Кабки дари», яъни тоғ каклиги образи ҳам фақат ўзига ҳос хусусиятларга эга. Унинг нутқида хилватга юз ўгирган, шахсиятини даҳр элидин айро этган, тоғу тошлар орасида ором топишга интилган кишиларнинг «хислат»лари талқин этилади:

*Ёна ажз айлаб аён Кабки дари,
Деди К-эй мажмуъи қушлар раҳбари.
Мен қушедурмен-қуҳиотон манзилим
Онда тенгри ҳамдиға зокир тилим
Даҳр эли ошубидин силкиб этак*

Тоғ этогинда топиб орому так.

*Чун бўлиб толеъ рафиқу бахти ёр,
Қуллаи узлатни айлаб ихтиёр.
Тоғ ганжи чун манга бўлди мафар,
Не муносиб ҳолима мундоқ сафар.
Кон уза доим киромимдур менинг
Гавҳари маъний ҳамоно ул дурур,
Сайри бемаъни манга буйўл дурур.*

Юқоридаги мисоллардан кўринадикки, тоғ каклиги нутқида дунёвий ишлардан қўл силкиган, тинч ва осойишта ҳаётни қумсовчи кишиларнинг нутқида хос сўз ва сўз бирикмалари моҳирона қўлланилган.

«Тазарв узри» эпизодида тазарв куши тимсолида ўз ҳуснига маҳлиё бўлиб, ундан мағрурланиб юрувчи кишилар кўз олдимизга келади:

*Мен қушедурменки қилмиш ҳуснузеб,
Гулиан ичра суратимни дилфиреб.
Тенгри рўзи ҳусну зеб этмиш манга,
Лутфу раънолиг насиб этмиш манга.
Чунки ифрати жамолу хублуг,
Айлади зоҳир менга маҳбублуг
Нозу истигно бўлиб маҳбуб иши,
Ранжи хуб элга раво тутмас киши.*

Унинг нутқидан намоён бўлувчи лексика яъни «ҳусну зеб», «дилфиреб», «лутф», «раънолиг», «жамолу хублуг», «маҳбублуг», «нози истигно», каби сўз бирикмалари Алишер Навоий ижодида интоқ санъати воситаси орқали янада бадий либосга ўранган ҳолда жилва қилади. Бу, айниқса, тазарвнинг худхудга жавобида яққол намоён бўлган:

Масалан:

*Кимса мундоқ ҳарф ҳаргиз сурмади,
Ўз жамолу ҳуснидин лоф урмади.*

Яна

Сенки хотунлар кибисен худписанд,

*Етгуси зотингга эрликдин газанд.
Эр кирар эр сонига ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлагон зийнат била
Эрга хулқу феъл эрур зебу жамол
Янги заркаш ҳулласидур эски шол.*

Мутафаккир шоир худхуд тилидан Тазарвнинг ўз хуснига маҳлиё бўлиши эр йигитнинг қилиғи эмас, балки гўзаллик кишининг меҳнати ва ҳиммати билан белгиланади, деган гуманистик мулоҳазани ўртага ташлайди.

Қарчиғай образида эса, унинг нутқи жуда жоҳил ва шуҳратпараст кишиларнинг нутқиға хос сўзларни ва сўз бирикмаларини кўрамиз:

*Қайси қуш қасдига очсам пару бол,
Насри тойир бўлса махласдур маҳол.*

Унинг нутқидаги «эрмас ҳисоб», «молик рақоб» каби баландпарвоз сўз бирикмалари шуҳратпарастликка ишорадир.

*Ким манга қушлар киби эрмас ҳисоб,
Ким баса қушларга мен молик риқоб.*

*Шоҳлар оллинда топиб бу эътибор,
Шавкатим Симурғча билфеъл бор.*

Алалхусус, ушбу нутқда манманлик ва мақтанчоқлик хусусиятлари ҳам намоён:

*Зотима шоҳлар қўли оромгоҳ,
Тўъма ҳар кун еткуруб оллимга шоҳ
Шоҳ қўли тахтимдуру бошимда тож,
Йўқ манга Симурғ сари эҳтиёж.*

Достондаги яна бири образ шунқор.У нутқида ўзини барча қушларнинг шоҳи, бошқа шоҳга яъни Симурғга тобе бўлишни истамайман, мустақилман деб даъво қилади. Ҳолимни, зотимни, отимни биласанку, дейди баралла:

*Сен чу воқифсен бори ҳолотима,
Хайл аро зотимаву ҳам отима.*

Қушлар шоҳи эканини мағрурланиб уқтиради:

*Барча шоҳлар чун мубоҳидур манга,
Исми қушлар подшоҳидур манга*

Бу ерда «номим қушлар подшоҳидур» бирикмаси, шоҳ сифатидаги маънисиз кибру ҳаво хислатини ифодалайди. Бургут нутқида бўлса ёвузлик,

йиртқилик ва қўполлик тушунчаларини характерида намоён қилган хукмдорлар кўз ўнгимизга келади:

*Савлатим муфритдурур қаҳрим ямон,
Тоз мулки ичра менмен қаҳрамон.
Неча каклик туъмадур ҳар кун менга
Бўлмаса бу, уйқу келмас тун манга.*

Алишер Навоий *Бургут нутқи* орқали инсон ҳаётига акс таъсир этувчи ёмонлик иллатларини кўрсатади ва уларни аёвсиз қоралайди. Бу ўринда интоқ санъатини қўллаб, *бургут нутқидаги «савлат», «муфрат», «қаҳр», «менмен», «қаҳрамон»* каби сўз ва сўз бирикмаларига алоҳида урғу беради.

Куф (бойқуш) нутқида вайроналик ва ҳаробаликни хуш кўрадиган қораниятли кишилар лексикаси сифатида сўз ва сўз бирикмаларидан фойдаланилган. Куф умр бўйи ганж қидириб изғийди. *«Ганж» ва «вайрона»* сўзлари айнан унинг тубан қисматида монанд.

*Дебки, гарчи торттум умрумда ранж,
Бок эмас бир кун насибим бўлса ганж.
Менки ганж умидидин девонамен,
Кеча-кундуз соқини вайронамен.*

Алишер Навоий асардаги ҳумой образини мактанчоқлик, мағрурлик рамзи йўсинида талқин этади. Унинг қуйидаги беш байтлик нутқида олти марта «мен»деб ўзини макташи кўрсатилган:

*Бошлади узрини соҳибфар ҳумой,
Деди: - Эй саргаиталарга раҳнамой
Ондадур иқболдин поям менинг
Зотима онча шараф берса илоҳ
Ким менинг соям адони қилса шоҳ
Мен яна шоҳ истамак яъники не,
Ўзни ранжур айламоқ яъники не.
Қилмоғим хушироқ хавое жилвагоҳ,
Бермағим соямда шоҳларга паноҳ.*

Англашиладики, «ман», «шоҳ», «ранжур» сўзларининг такрор қўлланилиши такабурлик, манманлик хислатларини очиб бераяпти Бинобарин, ўзини ҳаммадан устун билувчи кишилар руҳиятига мос бўлган «мен» кишилиқ олмоши Ҳумой нутқининг ўзагини ташкил этади.

Аксинча, ўрдак образи покдомон кишиларга нисбат. Унинг ҳаётида сув муҳим ўрин тутди. Сувсиз бамисли нажот, мисли мамот. Шу бои нутқида берилган етти байтда ҳам сув сўзи фаол ишлатилади:

*Ўрдак оғоз этти: - К-эй фархунда зот,
Сув била бўлмиш манга қойим ҳаёт.*

*Ондин айру мустарибмен қайғудин,
Уйлаким тушгай йироқ болиг су(в)дин
Чун сув ичра зотима таскин бўлиб
Пок домонлиқ манга ойин бўлуб
Поклик чун сувдин этдим иктисоб
Лойиқ ўлди васфима хуснул-маоб*

Инчунин, товус (хўроз) нутқида норозилик элементлари кучли бўлган шахс характериға оид сўз ва сўз бирикмалари қаторлаштирилади. Товуғни худхудга жавобида «рўзи қилди ҳақ», «сенга айлаб раҳбарлик» каби сўзлар унинг ўзигагина хос хислатларни англатади :

*Биз иковга тож рўзи қилди ҳақ
Лек ҳар бирга бир иш қилди насақ.
Сенга айлаб раҳбарликни ато,
Қилди қушларга раису пешво*

Товуғ нутқида бировларни кўкларга кўтариб, ўзини ерга уриш каби ҳолатлар акс этган:

*Чун саромад келди эрликда хурўс
Ҳақ анга берди неча зебо арус.
Тутти ҳарён сайр қилмогдин маоф,
Ул киму Симург била Кўҳи Коф*

Мазкур байтларда «зебо, арус», «эрликдин хўрус» каби поэтик услубда ёзилган мажозий сўз ва сўз бирикмаларининг меъеридан зиёд ишлатилганлиги нутқга экспрессив руҳ бериш мақсадидан келиб чиққан.

ХУЛОСА

Алишер Навоий «Лисону-т-тайр» достонида қушлар нутқини интоқ санъати воситасида ёрқин рангларда ифода этиш жараёнида маълум замонавий поэтик йўналишларни татбиқ қилганлигидан ҳайратга тушасиз. Булар фэнтэзи ва экспрессионизм. Асарда худхуднинг бошлиқ, йўлбошчи ва

ишбилармонлиги, тўтининг шакаргуфторлиги, товуснинг мақтанчоқлиги, Булбулнинг ошиқу беқарорлиги, Кумрининг роҳат-фароғат талаблиги, кабутарнинг инсон меҳридан баҳрамандлиги, кабки дарининг танҳоликка юз ўгириши, тазарвнинг ўз ҳуснидан маҳлиёлиги, қарчиғайнинг ёвузлиги, шунқорнинг нафс балосига йўлиққани, куф (бойкуш), хумой, ўрдак, товук каби қушларнинг характерлар палитраси, нутқлардаги рангбаранг сўз чизмалари, худхуднинг парда ортидаги парда тарзидаги жавоблари Навоий тафаккури ва хаёлотининг нодир маҳсули, мангуликка етгувчи фикрат гулбоғидир.

REFERENCES

1. А.Навоий Мукаммал асарлар тўплами. 12том, Фан, -Т, 1996. -Б.21-61
2. А.Хожиахмедов Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. Шарқ, -Т, -Б 41
3. Собитова Т. (2020). Орзигул достонидаги маънавий ва лафзий санъатлар. Илмий ахборотнома Самду, 8(4), 56-63.